

"ПАРЛАМЕНТНИНГ ОРОЛГА НИГОҲИ" ШИОРИ ОСТИДА ЭКОЛОГИК ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ

Оролбўйи ҳудудида ўрмонзорлар барпо этишга ҳисса қўшиш мақсадида жорий йилнинг 21 февраль куни Ўзбекистон Экология партияси раиси Н.Обломуратов ва Олий Мажлис қонунчилик палатасининг депутатлари, ҳудудий партия ташкилоти вакиллари, Хоразм вилояти партия ташкилоти иштирокида "Парламентнинг оролга нигоҳи" шиори остида экологик тадбири ташкил этилди. Мазкур тадбирда Н.Обломуратов ўрмонзорлар барпо этиш жараёнларида фаол иштирок этиб келаётган механизатор ва ишчиларга кўрсатаётган жасоратлари учун ўз миннатдорчилигини билдирди.

Image not found or type unknown



Сўнгра уларга махсус иссиқ кийим бош, эсдалик совғалари, зарур озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги махсулотлари топширилди. Ҳайрия ҳашарлари давомида ташкил этилган маданий дастурлар ва байрам дастурхони ўрмончиларга кўтаринки кайфият бахш этди. Дарҳақиқат бугун, Оролнинг қуриган тубида барпо этилаётган ўрмонзорлар йиллар ўтиб Она табиатга бўлган инсон меҳрининг бир ифодаси бўлиб қолади.

Image not found or type unknown

